

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2002 йил 27 июль, шанба

• №59 (11.447)

• Эркин нархда сотилади

Вилоят фаоллари йиғилиши

ОЛДИНДА - ЯНАДА КАТТА ВАЗИФАЛАР

Шу йил 24 июль куни вилоят ҳокимлигида Тошкент вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2002 йилнинг биринчи ярмида вилоят иқтисодиётининг ривожланиши якунлари, ислохотларнинг бориши ҳамда Президентимиз Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил биринчи ярим йиллигида республика иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига бағишланган мажлисдаги маърузасида ўртага қўйилган асосий йўналишларга бағишланган масалалар чуқур ва атрофлича муҳокама этилди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик котибиятлари, гуруҳ ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимлари, уларнинг умуқиқтисод бўйича муовинлари, банк, солиқ, молия тизими, йирик корхона, ташкилот ва хўжалик раҳбарлари иштирок этдилар.

Фаоллар йиғилишини бошқарган Тошкент вилояти ҳокими Умнат Мирзақулов кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилар экан, шундай деди: «2002 йилнинг биринчи ярмида вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари тўғрисида фикр-мулоҳаза юритар эканмиз, эришилган ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликлар, мамлакатимизнинг раванқ топишига янада кўпроқ ҳиссамизни қўшиш йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммоларнинг сабабларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга барча имкониятларимизни сафарбар этиш, энг муҳими, олиб борилаётган ислохотлар-

нинг самаралари, бу борада олдимизда турган асосий вазифаларга тўхталиб ўтишимиз зарур».

Ҳақиқатдан ҳам, йиғилиш иштирокчилари кун тартибидаги масалани муҳокама этишга ана шу нуқтаи назардан ёндошдилар. Эришилган натижаларга ҳолис баҳо берилди, йўл қўйилаётган камчиликлар рўй-рост айтилди, муаммоларнинг ечимини топиш юзасидан фикрлар билдирилди. Лекин, шуни таъкидлаш кераки, вилоятда 2002 йилнинг биринчи ярмида халқ хўжалигининг барча соҳаларида асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга эришилди. Хусусан, вилоятда ялпи ички маҳсулот ҳажми 4,2 фоизга, саноат маҳсулотлари 11,4 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 11,9 фоизга ўсганлиги қайд этилди. Қишлоқ хўжалигида эришилган натижалар ҳам салмоқли бўлди. Чакана савдо ва пулли хизматлар ҳажми 19,9 ва 3,3 фоизга ошди. Ташқи савдо айланмасида ижо-

бий сальдога эришилди. Ижтимоий, маънавий-маърифий йўналишларда ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Шунингдек, иқтисодиётни барқарорлаштириш, давлат ва маҳаллий бюджет даромадлари бўйича белгиланган асосий кўрсаткичларнинг бажарилишига эришилди.

Маълумки, мамлакатимиз тараққиётини таъминлашда кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Вилоятда бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жойларда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш борасида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши юзасидан зарур бўлган ҳуқуқий-инвестицион имкониятлар яратиб берилмоқда. Қилинган ишлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида 1676дан зиёд кичик ва ўрта бизнес корхоналари ташкил этилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 25,5 фоиз кўп демакдир. Умуман, бугунги кунда шаҳар ва туманларда фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорлик тузилмаларининг сони 15 минг 317тадан ошиб кетди. Шулар ҳисобига жойларда 16 минг 638тадан зиёд янги иш ўринлари барпо этилди. Кичик ва ўрта корхоналарнинг вилоят ялпи ички маҳсулоти ҳажмидаги улуши 30,2 фоизга ўсди. Бу соҳани яна-

(Давоми 2-бетда).

"Ўзбектуризм" миллий компанияси жамоасига

Қадрли дўстлар!
Аввало, сизларни қутлуг айём - "Ўзбектуризм" миллий компанияси ташкил этилганига 10 йил тўлгани муносабати билан чин юракдан муборакбод этаман.

Истиқлол йилларида вужудга келган миллий туризм соҳасининг тарихан қисқа давр мобайнида замон талаблари даражасида ривожланганини, мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётига, унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтиришга самарали ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Дарҳақиқат, ўлкамизга хорижий мамлакатлардан келаётган сайёҳларнинг сони йил сайин ошиб бораётгани, янги туристик йўналишларнинг очилаётгани, уларга хизмат кўрсатишнинг яхшиланаётгани замирида сизларнинг тинимсиз меҳнатингиз, изланиш ва интилишларингиз мужассам.

Бугунги кунда жаҳоннинг турли мамлакатларидан ташриф буюраётган меҳмонлар инсоният цивилизациясининг бешикларидан бўлмиш кўҳна ва навқирон шаҳарларимизни, санъат асари даражасидаги беқиёс меъморий обидаларни ўз кўзлари билан кўриш, буюк аждодларимизнинг қадамжоларини зиёрат қилиш, юртимизнинг бетакрор гўзал табиати, халқимиз томонидан амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, улуғвор ўзгаришлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Уларнинг ҳар бири диёримиздан ўзбек халқининг бой ва шонли ўтмиши, қадимий урф-одатлари, ўзига хос санъати ва маданияти ҳақидаги бой таассуротлар билан қайтаётганларида ҳам сизларнинг хизматингиз каттадир.

Бу эса халқаро туризмни янада ривожлантириш, жаҳон андозаларига мос янги, замонавий шинам меҳмонхоналар, сайёҳлик масканларини барпо этиш, хорижий сармояларни кенг миқёсда ушбу соҳага жалб этиш имконини ҳам бермоқда.

Сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз билан юртдошларимизнинг чет элларга эмин-эркин сафар қилишлари учун қулай шарт-шароит яратилгани, бу эса жаҳон ҳамжамияти сафидан муносиб ўрин эгаллашдек мақсадимизга эришиш йўлида хизмат қилаётгани ҳам диққатга сазовордир.

Мен ушбу соҳа ходимлари ўзларининг касб маҳоратини ошира бориб, ҳали ишга солилмаган мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланадилар, хизмат кўрсатиш ва сервис сифатини жаҳон талаблари даражасига кўтардилар, сайёҳлик индустриаларини ривожлантириб, Ўзбекистонимизни чинакам туризм ўлкасига айлантирадилар, деб қатъий ишонаман.

Сизларни яна бир бор қутлуг сана билан муборакбод этиб, барчангизга сийҳат-саломатлик, ишларингизда янги муваффақиятлар тилайман.

Ислам **КАРИМОВ**,

Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислам Каримовнинг 28-31
июль кунлари Японияга
расмий ташрифи олтидан

Ҳамкорлик қирралари

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги муносабатлар Буюк ипак йўли пайдо бўла бошлаган пайтлардан буён, қарийб икки минг йилликдан зиёд тарихга эга.

Мавжуд маълумотларга кўра, узоқ тарихий ўтмишда ҳам Японияга Фарғонанинг машҳур учқир отлари, Ўзбек ипаклари келтирилган. Тарихий манбалар буни тасдиқлайди.

Иккинчи жаҳон уруши ниҳоясига етгандан сўнг бир неча йиллар давомида Ўзбекистон ҳудудида минглаб япон фуқаролари халқ хўжалигини тиклаш ва мада-

(Давоми 3-бетда).

ЕР НЕЪМАТИ – ЭЛ ДАСТУРХОНИГА



СУРАТДА: «Маданият» ширкат хўжалигининг пудратчиси Тўйчи Абдуллаев (чапдан) ва бош ҳосилот Адҳам Аҳмаджоновлар ҳосил чўғидан мамнун.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Қибрай тумани сабзавоткорлари бу йил 1635 гектар майдонда сабзавот етиштириб, эл дастурхонига 40 минг тоннага яқин турли ноз-неъматлар етказиб беришга бел боғлашган.

Ерни ардоқлаб, эъозлаётган деҳқонлар ўз меҳнатлари самарасидан мамнун бўлишмоқда. Эртаки қарам, бодринг, помидор, сабзи, пиёз, саримсоқ, ош лавлаги ва бошқа экин турларидан айниқса, баракали ҳосил олинди. Юқори ҳосилдорликка эришишда «Маданият», «Бурота» ва Туроб Нормуҳаммедов номли ширкат хўжаликлари пудратчиларининг ҳиссаси катта бўлаёпти. Жумладан, «Маданият» ширкат хўжалигининг деҳқонлари 67 гектар ерда турли сабзавот экинлари етиштиришмоқда. Шу кунгача хўжалиқда 150 тонна бодринг, 110 тонна сабзи ҳосили йиғиб олинди. Помидор терими ҳам бошланди. Дастлабки кунларда ноқ истеъмолчиларга 40 тоннагача маҳсулот жўнатилмоқда.

Йиғилиш

АЁЛНИ ВА БОЛАНИ АСРАШ

ҳаммининг ва ҳар бир кишининг иши бўлмоғи керак

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга яхши яшаш шароити яратишга йил сайин эътибор кучаймоқда. Шу мақсадда қабул қилинган давлат дастурлари ҳаётга татбиқ этилмоқда. Шунингдек, хотин-қизларнинг жамиятимиз ҳаётида фаол иштирок этиши, тадбиркорлик билан шуғулланишига кенг имкониятлар берилмоқда. Бу эса республикамиз иқтисодиётини кўтаришда ўз ижобий самарасини кўрсатяпти. Вилоят хотин-қизлар кўмитасининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши шу каби масалаларга ва кўмита томонидан 2002 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлари якунига бағишланди.

Таъкидлаш лозим, вилоят хотин-қизлар кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажара бориб, муайян натижаларга эришяпти. Бугунги кунда виллоятимизда, шу жумладан шаҳар ва туманлар хотин-қизлар кўмиталари қошида уларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича комиссиялар фаолият олиб бораётипти. Янги анъаналар турмушимизга кириб бораётипти. Бу ҳақда маърузачи, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари М.Шоюсупо-

ва алоҳида тўхталди.

Шу билан бирга оила, оналик ва болаликни ижтимоий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг меҳнат шароитини яхшилаш борасида жиддий камчиликлар ҳам мавжудлиги қайд этилди. Қизларни 16-17 ёшида турмушга узатиш, оила бузилишлари, оналар ўлими, хотин-қизлар содир этган жиноятлар билан боғлиқ ҳолатлар тилга олинди.

Йиғилишда тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларга кредитлар ажратиш, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш юзасидан ҳам бир қанча фикрлар ва таклифлар билдирилди. Ишбилармон аёлларнинг ҳуқуқий балимини замон талаблари даражасига етказиш лозимлиги таъкидланди. Ҳамма жойда Бўстонлик туманида ташкил этилгани каби ҳунарманд аёлларни қўллаб-қувватлаш маркази очиш таклиф этилди.

Йиғилишни Тошкент виллоят ҳокимининг ўринбосари, виллоят хотин-қизлар кўмитасининг раиси А.Аҳмаджонова олиб борди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар кўмитасининг раиси Д. Фуломова сўзга чиқди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

Болалар ёзи – 2002

МАВСУМ ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА?

Вилоят ҳокимлигининг 2002 йил ёз мавсумида соғломлаштириш оромгоҳларида болаларни дам олдириш комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ана шу мавзуга бағишланди. Йиғилишни виллоят ҳокимининг ўринбосари А. Раҳимбердиев бошқарди.

Унда шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, оромгоҳлари бўлган корхона ва ташкилот раҳбарлари, касаба уюшмалари кўмиталари раислари ва бошқалар иштирок этдилар.

Йиғилишда таъкидланишича, биргина виллоят хўжалик тузилмаларига қарашли оромгоҳларда биринчи мавсумда режадаги 6710 нафар ўрнига 6850та бола соғломлаштирилди. 23та мактаб қошида 2140 нафар бола дам олди. Лекин, текширишлар бу соҳада муаммо ва камчиликлар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда. Чунончи, «Ўрта Осиё рангли металлургия, энергетика» очик турдаги хиссадорлик жамиятига қарашли «Нептун» оромгоҳида илк мавсумда 200 ўрнига 48 нафар, 2 мавсумда эса, 161та бола дам олганлигини қандай изохлаш мумкин?

Энг ачинарлиси, бу ерда педагогик кадрлар тўғри танланмаган. Оромгоҳ раҳбарлари Д. Ким ихтисоси бўйича икти-

содчи, бош тарбиячиси — ҳуқуқшунос. Шунингдек, виллоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасининг «Бахт», «Сумча» хиссадорлик жамиятига қарашли «Сумча», «Қишлоқ қурилиш» очик хиссадорлик жамиятининг «Соёлик» оромгоҳларида ҳам болаларнинг мазмунли дам олишига тўлиқ шароитлар яратилмаган. Боз устига оромгоҳларни озик-овқатлар билан таъминлашда кўпол молиявий хатоликларга йўл қўйилмоқда. Масалан, уларнинг аксариятида 1 килограмм гўштнинг нархи 2100 сўм бўлса, «Келажак», «Гунча» оромгоҳларида 2300 сўмга тўғри келяпти, шунингдек, бошқа озик-овқат маҳсулотларида ҳам нархларнинг турличалиги қайд этилди. Юқоридаги каби камчиликлар мактаблар қошидаги оромгоҳларда ҳам мавжуд.

Йиғилишда қайд этилган камчилик ва нуқсонларни барқарор этиш юзасидан қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва БМТнинг Наркотикларни назорат қилиш бошқармаси кўнгиллилари Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида жойлашган 29та болалар соғломлаштириш оромгоҳларида бўлдилар.

Улар томонидан ҳар бир оромгоҳда дам олаётган мактаб ўқувчилари учун семинар-тренинглари, баҳслари, турли танловлар ташкил этилди, гиёҳванд моддаларни истемол қилишнинг фожеали оқибатлари тўғрисидаги «Марсия» ви-

Ёшлар — гиёҳвандлик ва ОИТСга қарши

деофильми намойиш этилди. Бундан ташқари, оромгоҳларнинг «Маънавият ва маърифат», тиббий ёрдам хоналарида «Саломатлик бурчаклари» очилди. Лойиҳа мутахассислари бу ерларга гиёҳвандлик, ОИТС ва жинсий йўл билан юқадиган касалликларнинг олдини олиш тўғрисидаги ахборот материалларини тақдим этишди.

Мазкур тадбир нафақат ўсмирларда, балки уларнинг тарбиячиларида ҳам катта қизиқиш уйғотди.

У.А.

Вилоят фаоллари йиғилиши

ОЛДИНДА - ЯНАДА КАТТА ВАЗИФАЛАР

да ривожлантириш учун ўтган олти ойда тадбиркорлик субъектларига турли манбалар ҳисобидан 7 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди. Бу мақсадлар учун хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳам устувор йўналиш касб этмоқда.

— Мен юқорида виллоят халқ хўжалигининг асосий тармоқларида эришилган натижаларга қисқача тўхталиб ўтдим, — деди маърузачи. — Бундай ижобий рақамларни яна келтиришимиз мумкин. Лекин, виллоятдаги иқтисодий-ижтимоий аҳволни бугунги кун талаби нуқтаи назаридан чуқурроқ таҳлил этсак, бу натижалар янада салмоқли ва юқори бўлиши мумкинлиги ойдинлашади. Чунки, виллоятда ҳали фойдаланилмаётган ички имкониятлар бор. Биз бугун кўпроқ шуларни ишга солиш, улардан фойдаланиш устида фикр алмашсак, ишласак тўғри бўлади.

Маърузада Чирчиқ шаҳрида, Бекобод туманида кичик ва ўрта корхоналарни ташкил этиш, Ангрен шаҳри, Бўстонлик, Чиноз ва Ўртачирчиқ туманларида уларга кредит ажратиш борасидаги топшириқлар бажарилмай қолганлиги таъкидланди. Мазкур йўналишда тадбиркорларни моддий-техника ресурслари билан таъминлаш, уларнинг маҳсулотини харид қилиш, шунингдек, бу борада улгуржи савдо дўконларини ташкил этиш борасида дастур топшириқларини бажаришда «Вилоятмахаллийсаноат», «Вилоятмаишхизмат», «Вилоятсавдо» ва «Вилоятматлуботсавдо» ташкилотларида етарли ишлар қилинмаётганлиги айтилди.

Жойларда бу соҳадаги аҳволни янада барқарорлаштириш, энг муҳими, йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан мутасадди идоралар ва шаҳар, туман ҳокимликларига аниқ вазифалар қўйилди.

Фаоллар йиғилишида энг муҳим моддий ва табиий ресурсларни асраб-авайлаш, улардан тежамкорлик билан, оқилона фойдаланиш масаласи ҳам чуқур муҳокама этилди. Маълумки, виллоятда бу борада махсус йўналиш асосида тадбирлар ишлаб чиқилган.

Улар ижро этилаётган ҳудудларда ижобий натижалар кўзга ташланмоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалигида суғориш сувларини сарфлаш 1 гектар ерга ҳисоблаганда ўрта ҳисобда 240 куб метрга қисқарди. Ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш борасида амалий ишлар қилинди. Табиий газ ва ичимлик сувидан фойдаланиш, ўлчов мосламаларини ўрнатиш масала-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ларига ҳам эътибор кучайди. Лекин, йиғилишда таъкидланганидек ҳали бу борада йўл қўйилаётган камчиликлар, ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар бор.

Вилоят ҳокимлигининг тегишли мажмуалари, мутасадди бошқармалар, шаҳар ва туман ҳокимликларига табиий ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни яна бир бор чуқур таҳлил этиб, тегишли чора-тадбирлар қўриш вазифаси юкланди.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ишларни яна чуқурлаштириш ва такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган ишларга тўхталиб, шуни айтиш керакки, виллоятда ҳақиқий ер соҳиблари, мулк эгалари шаклланмоқда. Тармоқда оила пудрати, ижара ва чек усуллари дадил ишлай бошлади.

Ана шулар натижасида виллоятимиз деҳқонлари учун мураккаб келган 2002 йилда ҳам ғаллакорларимиз салмоқли ютуққа эришдилар. 20 иш кунда давлатга дон сотиш режаси ошириб бажарилди. Ҳозиргача уйилган ғалла ҳирмони 470 минг тоннадан ошиб кетди. Ҳар гектар ердан ўртача 42 центнердан ҳосил олинди.

Ғаллачиликда эришилаётган бундай муваффақиятларнинг яна бир асосини хўжаликлар ва оилавий пудратчилар ўртасида шартномаларнинг пухта тузилганлиги ва самарали ишлай бошлаганлиги ташкил этади. Бундай тажрибани қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида оммалаштириш зарур. Айниқса, пахтачиликда ҳам деҳқон манфаатини таъминлаш, икки томонлама тузилган шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бажарилишига эришиш юзасидан зарур бўлган барча ишлар қилиниши кераклиги таъкидланди.

Молиявий аҳволни барқарорлаштириш тўғрисида гап борар экан, виллоятдаги мутасадди идоралар, мажмуалар ва ҳокимликларга бир ой ичида зарар қўриб ишлаётган корхоналар сонини камайтириш, самарадорлиги паст корхоналардаги аҳволни чуқур таҳлил этиш ва тегишли тадбирлар белгиланган, таклифлар тайёрлаш вазифаси ўртага ташланди.

Шу кун фаоллар йиғилишида ишловларни амалга ошириш, бу соҳага чет эл инвестицияларини жалб қилиш ҳажминини ошириш масаласи алоҳида йўналиш касб этди. 2002 йилнинг биринчи ярмида виллоятга 4,6 миллиард сўмлик чет эл сармоялари жалб этилди. Хорижликлар билан ҳамкорликда ташкил этилган корхоналар сони 195тага етди. Бу — яхши. Лекин айрим туманларда ҳамон бу масалага етарли эътибор берил-

маяпти. Хусусан, Оҳангарон шаҳри, Оққўрғон, Бекобод, Пскент туманларида 2002 йилда чет эл инвестицияси киритилмади. Бекобод, Бўка, Оққўрғон туманларида эса ҳалигача биронта ҳам ишлаётган қўшма корхона мавжуд эмас. Бундан бирнеча йил бурун рўйхатдан ўтганига қарамай фаолият кўрсатмай келаётган 45та қўшма корхонанинг мавжудлиги ҳам бу борада қўшимча чоралар қўришни тақозо этади.

Йиғилишда яна бир муҳим масала қурилишдаги аҳвол, соҳада ислохотларнинг бориши билан боғлиқ мавзу эди. Чунки, виллоятдаги айрим қурилиш ташкилотларида мавжуд капитал қуйилмалар ва маблағлардан самарали фойдаланилмаётипти. Шунинг натижасида ҳозирги кунда виллоятда бир қатор қурилиш тугалланмаган объектларнинг тақдирини муаммо бўлиб турибди.

Маълумки, виллоятда марказлашган инвестицияларнинг салмоқли қисми «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилиши ва уларни реконструкция қилишни молиялаштиришга йўналтириляпти. Дастурга мувофиқ 2002 йилда уларнинг 10тасини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Афсуски, айрим туман ва шаҳарларда лицей ва коллежларни қуриш учун йўналтирилган маблағларни ўзлаштириш талабга жавоб бермаяпти. Бу борада Ангрен, Олмалик, Бекобод шаҳарлари, Қибрай, Оққўрғон, Юқоричирчиқ туманлари ҳокимликлари ва мутасадди идораларга мазкур қурилишларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш юзасидан аниқ вазифалар юкланди.

Фаоллар йиғилишида виллоятда иқтисодий-ижтимоий ислохотларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа вазифалар ҳам ана шу таҳлилда муҳокама этилди, баҳо берилди, хулосалар чиқарилди, вазифалар ва устувор йўналишлар белгилаб олинди.

Йиғилишда кун тартибидagi масалани муҳокама этишда виллоят ҳокимининг ўринбосари — иқтисодиёт ва статистика бош бош бошқармаси бошлиғи А. Йўлдошев, Ангрен шаҳри ҳокими А. Юсупов, Бекобод тумани ҳокими Ф. Бўрибоев, виллоят ўрта-маҳсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи А. Йўлдошев ва бошқалар иштирок этдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К. Тўлаганов сўзга чиқди.

Фазогирлар мактабида машғулотлар бошланди

Ўзбекистон Фанлар академиясида анъанавий XIV Халқаро аэрокосмик мактабнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Халқаро ёшлар аэрокосмик жамғармаси, Ўзбекистон Фанлар академияси, "Коинот" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ташкилотчилари бўлган ушбу мактабга "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, Халқ таълими вазирлиги, "Асака" банки ҳамда бошқа ташкилот ва муассасалар ҳомийлик қилмоқда. Унинг асосий машғулотлари Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги "Кизилсой" оромгоҳида ўтказилади.

Мактабда мана бир неча йилдирки, республикамизнинг иқтидорли ёшлари ўзларининг космонавтика соҳасидаги билимларини мустақамлаб келмоқда. Эътиборли томони – бу ерда Польша, Болгария, Малайзия, Туркия каби давлатлардан ҳам ёшлар иштирок этган. Жорий йилда эса Франция, Қозоғистон каби мамлакатлардан ёшлар келган.

Мактабда ўн икки кун мобайнида олимлар фаннинг коинот билан боғлиқ соҳалари бўйича маърузалар ўқийди. Лаборатория, ўқув-амалий ҳамда умумжисмоний, маданий дастурлар, танловлар, авиамоделчилик, ракетамоделчилик мусобақалари ташкил этилади.

Фазогирлар мактабидаги дастлабки машғулот Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошевнинг "Оламнинг пайдо бўлиши ва эволюцияси" мавзусидаги маърузаси билан бошланди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

ВАКИЛЛАР МАСЛАХАТТА ТЎПЛАНИШДИ

Чиноз туманида деҳқон-фермер хўжалиқлари вакиллари иштирокчида семинар ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига бағишланган мажлисдан келиб чиқадиган ҳулосалар ва бу борада туман фермерлари олдида турган долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Мазкур семинар доирасида «Ўзбекистон», «Чиноз», Турсуной Охунова номли ширкат хўжалиқларида ва «Тельман» номли марказий таъмирлаш устахонасида бўлиб ўтган учрашувларда галла мавсуми ютуқлари ва камчиликлари таҳлил қилинди. Бугунги кундаги ғўза парварishi, уни ўз вақтида чеканка қилиш, суғориш, бошқа агротехник тадбирларни ўз вақтида бажарилиши, ҳисоб-китоб юритиш масалалари ўрганиб чиқилди. Мавжуд муаммоларни бартараф қилиш чора-тадбирлари юзасидан савол-жавоблар ўтказилди.

Тадбир қатнашчилари мустақилликнинг 11 йиллиги олдида амалга оширилаётган ободонлаштириш ишларини жадаллаштириш борасида ҳам маслаҳатлашиб олдилар.

Ўз мухбиримиз.

УЛАР ЁШЛАРГА ЎРНАК



Бекобод тумани «Қўрғон» маҳалласида бирон-бир муаммо туғилса, баҳамжиҳат муҳокама қиладилар.

Айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, ёш оилаларнинг ажралишига йўл қўймайлик ҳамда хотин-қизлар масалаларига катта эътибор қаратиляпти. Бунда фуқаролар йиғини раиси Абдусамад Қодиров, маҳалла оқсоқоли Абдуқодир Қозоқбоев, хотин-қизлар билан ишлаш ва яраштирув комиссияси раиси Жамила Хидирова ҳамда вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш гуруҳи ноэри, милиция майори Карим Мамадалиевларнинг ҳиссаси катта бўлаётир.

СУРАТДА: маҳалла фаоллари иш устида.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Тошкентда ЮСАИДнинг Марказий Осиёда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича лойиҳаси-«Прагма» корпорацияси ташкил этган ва «Таваккални таҳлил қилишнинг танқидий назорат нуқтаси» /ТҚТНН/ дастурига бағишланган республика семинари бўлиб ўтди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази, озиқ-овқат саноати корхоналарини давлат санитария-эпидемиология назорат қилиш республика маркази вакиллари ва соҳанинг йирик компаниялари мутахассислари иштирок этди.

Астронавтар учун хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сақлашга йўналтирилган коинот технологияси

дастури кундалик ҳаётга ҳам кириб бормоқда. Бу дастур озиқ-овқатларни истеъмол қилиш сабабли юзага келадиган касалликларнинг олдини олишга мўлжалланган бўлиб, фан ютуқларига асосланган ва хомашёдан тортиб тайёр маҳсулотгача бўлган жараёни назорат остига олади.

Озиқ-овқат саноати тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш шароитларини текширишга боғлиқ. Бирок, бундай йўл озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашда самарали ҳисоблан-

майди. Мазкур тизим ISO 9000 халқаро сифат стандартини тўлдирди ва истеъмолчилар учун хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда зарур назоратни, таъминлашга хизмат қилади.

Хорижий ҳамкорлар ҳам мамлакатимиз корхоналарида ушбу тизимни жорий қилишдан манфаатдор. Негаки, Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотлари экспортини йилдан-йилга кўпайтириб бормоқда. Хусусан, вилотимизнинг Бўстонлиқ туманида ўзининг мураббо ва қиёмлари билан танилган «Искандар-Фудс» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ана шундай илғор технологияларни тадбиқ этмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Юқоричирчиқ туманидаги Кавардон қишлоғида ота-бола тадбиркорлар Ҳакимжон ва Бекзоджон Рўзиевлар истиклол байрамига катта соғва тайёрлашди.

Улар ўз сармоялари ҳисобидан қишлоқ аҳолиси учун мўъжазгина дўкон қуриб фойдаланишга топширдилар.

«Шаҳзод» номи берилган ушбу дўконда ҳозирги кунда ҳамқишлоқларга беминнат хизмат кўрсатилмоқда. Дўконда асосан нон маҳсулотлари ва аҳоли учун кундалик озиқ-овқат ҳамда халқ истеъмоли моллари сотиш йўлга қўйилди.

Латифжон МАНСУРОВ.

«ШАҲЗОД» АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

ният иншоотлари қурилишларида қатнашган. Уларнинг Ўзбекистонда ўтказган йиллари давомида маҳаллий ўзбек халқи билан самимий ва дўстона муносабатлар ўрнатилган. Икки халқ вакиллари қурган ва Тошкент шаҳри марказига кўрк баҳш этаётган Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет театрининг мухташам биноси ҳанузгача дўстлик рамзи бўлиб қолмоқда.

1991 йили Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгандан сўнг мамлакатларимиз ўртасидаги серқирра ҳамкорлик янада ривож топди.

1992 йили Ўзбекистон ва Япония ўртасида дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга зарур пойдевор ясади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1994 йилнинг май ойида Японияга амалга оширган ташрифидан сўнг фаолият кўрсатаётган Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон ҳайъатлари икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда катта роль ўйнамоқда.

2001 йилнинг 11 сентябрь воқеаларидан сўнг халқаро ва минтақавий миқёсда юзага келган ўзгаришлар ўзбек-япон муносабатлари ривожига янги туртки берди. Уларнинг фаоллашуви Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ва Япония бош вазири Д. Коидзуми ўртасида шахсий мактубларнинг изчил алмашувида, Ўзбекистонга Япония ҳукумати махсус вакилларининг йўлланилишида, шунингдек, икки томонлама ҳамкорлик, халқаро ва минтақавий сиёсат масалалари бўйича ўзаро тушунишни янада кучайишида ёрқин намоён бўлди.

Бунга, шунингдек, 2001 йилда Бош вазир Ў. Султонов бош-

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон – Япония:

Ҳамкорлик қирралари

чилигидаги Ўзбекистон ҳукумати делегациясининг Японияга ташрифи, 2002 йилнинг январь ойида Япониянинг собиқ Бош вазири И. Мори ва кейинчалик апрель ва июль ойларида Япония ташқи ишлар вазири катта ўринбосари С. Сугиуранинг Ўзбекистонга ташрифларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Бу ўринда Япония томони Ўзбекистоннинг ислохотлар ва иқтисодий ривожланиш жараёнига молиявий кўмаклашиш микёсини кенгайтираётганини таъкидлаш жоиз.

Мустақиллик йиллари давомида мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган Япония сармояларининг умумий маблағи 1,6 млрд. АҚШ долларига етди. Ушбу маблағ телекоммуникация ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва бошқа соҳаларга йўналтирилди.

Йил сайин Япониянинг Ўзбекистондаги иш доираси кенгаймоқда. 1999-2000 йилларида Тошкентда мамлакатимизда техник ёрдам лойиҳаларини амалга оширишга, икки давлат ишбилармон доиралари ўртасида алоқалар ўрнатишга кўмаклашаётган Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Япония Ташқи савдо ташкилоти (JETRO)нинг минтақавий ваколатхоналари очилди.

Шу билан бирга, ҳозирда Тошкентда Ўзбекистон-Япония маркази фаол иш юритмоқда.

Ўзбекистонда Япониянинг 18 компанияси ваколатхоналари очилган. Улар мамлакатимизда қатор йирик иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишда ишти-

рок этмоқда. Айни пайтда еттита Ўзбек-япон қўшма корхонаси ва учта 100% япон капитали киритилган корхона муваффақиятли ишламоқда.

Япония ўзининг ядродан холи давлат мақомидан келиб чиққан ҳолда, Марказий Осиё минтақасида ядро қуролидан холи худуд яратиш фикрини қатъий қўллаб-қувватламоқда ва уни амалга оширишга кўмаклашмоқда.

Ўзбекистон ва Япония БМТ ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни фаол ривожлантиришмоқда. Мамлакатимиз Япониянинг БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоллигига қабул қилинишини қўллаб-қувватлаш мавқеини қатъий эгалламоқда.

Япония ҳукумати Ўзбекистонда кадрларни тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, хусусан, ўрта касб-хунар таълими тизимини ривожлантиришга катта ёрдам кўрсатмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида маданий ҳамкорлик ҳам кенгаймоқда. Хусусан, Ўзбекистон ва Японияда кўплаб маданий тадбирлар, жумладан, кўргазма, тақдирот, кинофестиваллар, миллий рақс гуруҳларининг концерт чиқишлари бўлиб ўтди. Улар орқали давлатларимиз халқлари бир-бирларининг бой ва беназир маданий мерослари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар.

Ҳозирда Японияда Ўзбекистон Республикаси билан дўстлик ришталарини ривожлантириш ва мустақамлаш ишига қатор жамият ва ассоциациялар фаол ҳиссаларини қўшмоқдалар. Улар сираси-

га «Япония-Ўзбекистон» дўстлик жамияти, «Фукушима-Ўзбекистон» иқтисодий ва маданий алмашув ассоциацияси, «Фукуока-Ўзбекистон» жамияти, «Ота-Тошкент» дўстлик жамияти, шунингдек, машҳур япон рассоми, жамоат арбоби, ЮНЕСКОнинг фахрий тинчлик элчиси, айни пайтда Ўзбекистон Бадиий академиясининг хорижий фахрий аъзоси Икио Хирояма, 2002 йилнинг май ойида давлатимизнинг юксак мукофоти – «Дўстлик» орденига сазовор бўлган машҳур япон археолог олими К. Като киради.

2002 йилнинг апрелида Япония парламентида мамлакатнинг нуфузли сиёсий арбоблари – Т. Асо, И. Мори, Н. Накама ва бошқаларнинг ташаббуси билан «Япония либерал-демократик партияси – Ўзбекистон»нинг дўстлик лигаси ташкил этилди.

2002 йилнинг майида ушбу лига кўмағида мамлакатимизга япон фуқаролари дафн этилган жойларда хотира қабр тошларининг очилиш маросимида иштирок этиш учун депутатлар Т. Асо ва Н. Накама бошчилигида Япония жамоатчилиги вакилларининг кўп сонли делегацияси ташриф буюрди. Делегация аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов қабул қилди.

2002 йилнинг апрелидан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси самолётлари Тошкент-Осака-Тошкент йўналиши бўйича ҳафтасига икки мартадан мунтазам рейсларни қайтадан бошлади.

Ўзбекистон Республикаси ва Япония – Буюк Ипак йўлида жойлашган бой маданий-тарихий меросга эга икки мамлакатдир. Бугун Ўзбекистон ва Япония муносабатлари тарихи ўз ривожининг янги босқичини бошдан кечирмоқда, Ипак йўлини қайта тиклаш ва уни ривожлантиришнинг янги тарихи яратилмоқда.

Музаффар ЗОҲИДОВ, «Жаҳон» АА шарҳловчиси.

Dushanba

29

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Хатотлик санъати». Премьера.

погоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.05 «Бир кулишайлик». А. Акбаров.
13.30 «Ошин». Телесериал.

20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон халқ артистлари.
21.35 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр» Тонгги.
10.00 «Янги авлод» студияси: болалар учун кўшиқлар.

12.55 «Жаннат». Бадий фильм. 1-қисм.
14.10 «Мультимоша».
14.25 «Диёнатга-хиёнат». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 1-қисм.

20.30 Мухаббат кўшиқлари.
20.50, 21.25, 22.35 Ўшлонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фарибгарлар». 41-қисм.

«Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Халқ саломатлиги йулида».
19.30 «Камалак».
19.45 «Имом Ал-Мотуридий». Телефильм.

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.25 «Одри Хелберн тарихи».

20.35 «Скарлетт». Сериал.
21.40 «Хазил кетидан хазил». Ҳажвий кўрсатув.
22.10 «ТВ-4да Немис тўлкини».

30-КАНАЛ

16.55 гача профилактика ишлари.
16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 Шоу соати.
17.40, 20.35 — «Телехамкор».

Seshanba

30

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.

танловининг якуни.
14.10 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
15.10 «Дунёқараш».
Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси»:

21.45 «Ўзбекистон» каналида илк мартаба: «Ошин». Телесериал премьераси.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.35 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.

фарзандлари».
12.35 «Жаннат». Бадий фильм. 2-қисм.
14.00 Мезон.
14.20 Интерфутбол.

21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал.

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фарибгарлар». 42-қисм.

22.45 Кинонигоҳ. «Умрбод сеникиман».
00.40-00.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.25 «Одри Хелберн тарихи».

1.15 «Ахборот» (рус тилида)
1.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор». 9.30, 14.15 — Болалар соати. 10.15 «Ботирлар». Сериал.

Chorshanba

31

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.

14.10 «Остонаси тиллодан».
14.30 ТВ анонс.
14.35 «Мумтоз наволар».
15.00 «Изаб». Андижон вилояти драма театрининг спектакли.

20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 11 ЙИЛЛИГИГА. «Тараққиёт йўли».

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?»

10.45 Солиқ ҳақида сабоқлар.
11.00 Болалар экрани «Кўк кўш».
12.35 Оби ҳаёт. Экологик тележурнал.

19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ракурс.
20.00 Спортлото.

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фарибгарлар». 43-қисм.

«Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мусиқий меҳмонхона».
19.35 «Спорт ва болалар».
19.50 «Эҳтиром ила».

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.25 «Одри Хелберн тарихи».

23.25 Кинематограф. «Катта бизнес». Бадий фильм.
00.55 «Ахборот» (рус тилида)
1.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор». 9.30, 14.15 — Болалар соати. 10.15 «Ботирлар». Сериал.

Payshanba

1

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Шайтон малайлари». Бадий фильм.
11.25 ТВ анонс.

13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Спорт, спорт, спорт».
14.25 «Фанимиз истиқболлари».
14.45 «Аския».

18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
18.30 «Яши ният». Телелотерея.
19.05 «Соғлом она - соғлом бола».

кўрсатган артистлар.
22.10 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 11 ЙИЛЛИГИГА «Тарих кўзгуси». 7-қисм.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Ассалом, оромгоҳ!»

9.35 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.50 Болажон.
10.05 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 «Эсмеральда». Телесериал.

16.05 Сифат белгиси.
16.15 Ёшлар овози.
16.35 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
17.10 Кўрсатувлар дастури.

18.25 Табобат оламида.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» интервью.
19.50 Ўзбек мумтоз мушқасидан.
19.55 Одамлар орасида.
20.15 Бегойим.
20.35 «Ер ишқи». Мусикий дастур.
20.50, 21.25, 22.35

Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат ҳақваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида:
23.50 Давр.
00.55-1.00 «Хайрли тун!»

«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Оффисна баридан чиққан фирибгарлар»: 44-қисм.
17.50, 19.15, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Навниҳол».
18.30, 20.00, 21.15, 22.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Камолот фасли».
19.35 «Хотира». О. Қосимов.

20.30 ТТВда сериал: «Йулбарс ҳақида ҳақиқат».
21.35 «Этиқод».
22.35 Кинонигоҳ, «Етмиш икки соат».
23.15-23.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.25 СҒ тақдим этади «Жан Мансон» концерти.

17.00 «Евроноҳ» янгиликлари.
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.15 «Мададкор руҳ». Бадий фильм.
20.00 «Время».
20.35 Л. Вайкуле, В. Леонтьев, Л. Агутин ва А. Варум. Юрмаладаги мусика фестивалининг очилиш маросими.
22.35 «Соққер клуб».
22.55 Кинематограф. «Ой нури» агентлиги. Бадий фильм.

фильм.
00.35 «Ахборот» (рус тилида)
1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-КАНАЛ
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».
9.30, 14.15 Болалар соати.
10.15 «Ботирлар» Сериал.
10.40 «Яши кайфият».
11.10 «Иблис боласи». Сериал.
12.00 «Учрашув жойини ўзгартириб бўлмайди». 1-серия.
13.30 «Яго, зулмат эхтироси».

Телесериал.
15.00 Кундузги киносеанс: «Магдаленанинг сокин эхтирослари». Сериал.
16.40 «Симпсонлар». Мультсериал.
17.00 «Шоу соати».
18.00 «Тергов сирлари». Сериал.
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Қамоқдаги ишқ». 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Мусикий дастур.
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Катаклизм 2000». 23.15 «Сиреналар». Сериал.

JUMA
«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси».
9.00 1. «Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман». 2. «Сехрли ҳарфлар оролчаси».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Ёз ҳикоялари». Бадий фильм.
11.25 «Рухият манзаралари».
11.50, 16.50 ТВ клип.
12.05 Болалар учун. «Миттивойлар оиласи».
12.25, 15.55 ТВ анонс.
12.30 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
12.50 Ўзбекистонда хизмат

2
кўрсатган артистлар.
13.15 «Олам». Телеальманах.
14.10 «Истиқлол нашидаси».
14.20 «Унутмас мени боғим». Бадий-публицистик кўрсатув.
14.40 Кундузги сеанс: «Ноёб тур». Бадий фильм.
16.00 «Моҳият».
16.20 Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон чемпиони.
Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси».
17.00 1. «Шоирлар болаларга». 2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
18.10 «Тиббиёт одимлари».
18.25 Эстрада тароналари.
18.45 «Тафсилот».
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Истиқлол нашидаси».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сийёсат оламида».
21.20 ТВ клип.
21.30 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошим». Телесериал премьераси.
22.00 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
22.20 «Олтин бешик».
22.45 «Спорт, спорт, спорт».
23.00 «Ахборот - дайжест».
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
9.35 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.50 «Давр» интервью.
10.05 Мусикий лаҳзалар.
10.20 «Эсмеральда». Телесериал.
10.50 Уйна, болажон, уйна.

11.05 Болалар экрани «Пилигрим» кемасининг капитани.
12.35 Ёшлар овози.
12.55 «Жюли Леско». Бадий фильм.
13.45 Бегойим.
14.05 Интерфутбол.
14.45 «Зақирмаган меҳмонлар». Бадий фильм.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик».
17.30 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
17.45 Автосалтанат.
18.00 Ёшлар овози.
18.20 Ҳуқуқ ва бурч.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Кўна оҳанглар.
19.45 «Ёшлар» телеканалда янги кўрсатув: «Давр» - репортаж.
19.55 Азизим.
20.30 Ёшлик қўшиқлари.
20.50, 21.25, 22.35

Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Аскар мактублари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат ҳақваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари.
00.05 Давр.
00.20 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
00.55-1.00 «Хайрли тун!»
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Оффисна баридан чиққан фирибгарлар»: 45-қисм.
17.45, 19.10, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Болажонлар экрани».
18.05 «Бумолига ҳам озор бурмайдим», «Дог».
18.30, 20.00, 21.15, 21.55 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Хайрли оқшом».
19.30 «Эл хизматида».

19.45 «Жозиба».
20.30 ТТВда сериал: «Кит ҳақида ҳақиқат».
22.20 Кинонигоҳ, «Етмиш икки соат».
23.00 Тунги сеанс. «Тунукасозлар».
00.40-00.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.25 СҒ тақдим этади: «Мишель Сарду» концерти.
17.00 «Евроноҳ».
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.15 «Инсон ва крону».
19.00 «Мўжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.35 «Дурдаршан».
21.00 «Денгиз афсонаси».
21.50 Кинониг олтин асри: «Каролина Лемб хоним». Бадий фильм.
23.50 «Ахборот» (рус

тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-КАНАЛ
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».
9.30, 14.10 — Болалар соати.
10.15 «Ботирлар». Сериал.
10.40 «Сухбатдош». Дам олиш дастури.
11.10 «Иблис боласи». Телесериал.
12.00 «Учрашув жойини ўзгартириб бўлмайди». 2-серия.
13.30 «Яго, зулмат эхтироси». Телесериал.
15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эхтирослари». Сериал.
16.40 «Симпсонлар». Мультсериал.
17.00 Шоу соати.
18.00 «Тергов сирлари». Сериал.
19.00 «30-канал» да ринг қироллари.
19.45 Елена Степаненко шоуси.
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Мусикий дастур.
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Агент 007». «Доктор Но». 23.15 «Сиреналар». Сериал.

SHANBA
«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси».
9.00 1. «Шоирлар болаларга». 2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
10.00 «Хидоят сари».
10.20 «Акулалар ҳақида ҳақиқат». Телефильм.
11.10, 13.50 ТВ анонс.
11.15 «Спорт, спорт, спорт».
11.30 «Олтин бешик».
11.55 «Дунё эшиклари очилди бизга».
12.15, 16.10 ТВ клип.
12.25 ТВ-1 кинотеатри: «Ноттинг Хилл». Бадий фильм. 1-қисм.
13.25 «Ўзбекистон бастакорлари».

3
13.55 «Ноттинг Хилл». Бадий фильм. 2-қисм.
14.45 «Маърифат». Телеальманах.
Адабий жараён:
15.05 1. «Ёзувчи ва замон». 2. «Шеър ва шуур». 3. «Дунё адабиёти».
15.50 Болалар учун. «Фламинго».
16.20 «Ягона оилада».
16.50 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» - «Сурхон».
17.40 «Рангин дунё».
Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси».
18.00 «Мўжизалар майдончаси». Телешоу.
19.00 «Ватан мадҳи».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».

21.05 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
21.25 «Шанба оқшомида».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
21.50 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ўзгилгини йўқотиш». Бадий фильм. 1-қисм.
23.05 «Ахборот-дайжест».
23.25 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» - «Дўстлик».
00.10-00.15 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр» Тонгги.
9.00 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик».
9.20 Мультфильм.
9.30 Табобат оламида.
9.50 «Давр»-репортаж.
10.00 Мусикий лаҳзалар.
10.15 «Эсмеральда». Телесериал.
10.45 Ёшлар овози.
11.05 Ринг қироллари.
12.05 Азизим.
12.40 «Жюли Леско». Бадий фильм. 22-қисм.

13.30 Қутилмаган меҳмон.
13.50 «Кўринмас олам». Ҳужжатли фильм.
15.00 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.
15.40 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
16.30 Синфона.
16.45 «Рамаёна». Телесериал.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
17.45 Бола тилидан.
18.15 Футбол плюс.
18.35 Каталог.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Мусикий лаҳзалар.
19.45 Келинг, кулишайлик.
19.55 Оҳанрабо.
20.35, 21.30, 22.35 Эълонлар
20.40 «Жюли Леско». Бадий фильм. 23-қисм.
21.35 «Нола» гуруҳи куйлайди.
22.00 Давр.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 Кинотақдим.

23.10 «Эх, менинг гўр ёшлигим». Бадий фильм.
00.40-00.45 «Хайрли тун!»
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Мульт»-чархалак.
17.40 «Жаҳон географияси».
18.25, 19.50, 21.20 «Экспресс» телегазетаси.
18.45 «Мисли гаҳар».
19.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача (рус)
19.20 «Нима учун?»
19.40 «ТТВда мусиқа».
20.10 «Спорт-клуб».
20.30 «Табриқлаймиз-қутлаймиз».
21.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача.
21.40 «Ташриф».
22.00 Кинонигоҳ «Аралаш».
00.30-00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-4да мусиқа».
9.10 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».
9.45 «Лаззат».

10.05 «СҒ янгиликлари».
10.15 «Инглиз тили Сиз учун».
10.40 «Мульттақдим».
11.00 «Фан тайм».
11.10 Кинематограф. «Аҳоминг йўқ». Бадий фильм.
12.55 «Ишбилармон кишилар».
13.15-14.15 Дўстлик видеоканали: «Сахий хонадонда», «Бизнен мирас».
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Британия кундалиги».
16.20 «Бинафша».
16.35 СҒ тақдим этади: «Бешикчи ўлчов».
17.00 «Билишни истаيمان».
17.20 «Аскар Еадоқимов ва унинг дўстлари». Ҳажвий кўрсатув.
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеуйин.
20.00 «Время».
20.30 Эдди Мерфи «Америкага саёҳат» комедиясида.
22.40 «Автострада».
23.10 «ТВ-4да мусиқа».

23.30 Кинематограф. «Фирибгарлар». Бадий фильм.
00.55 «Ахборот» (рус тилида)
1.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-КАНАЛ
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».
9.30 «Малика Сиси». Мультсериал.
10.00 Болалар учун фильм.
11.30 «Твистнинг қувноқ оиласи». Телесериал.
12.00 Оилавий кино. «Менга миллион этади».
13.40 Бокс ишқибозлари учун.
14.30 Ҳинд киноси: «Муттаҳамлар».
16.40 «Яширин камера билан».
Юмор дастури.
17.00 «Ўз ўйини». Телешоу.
18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Ширин аёл».
19.50 «Ошиқона». Мусикий дастур.
20.00 «Вовочка». Сериал.
21.00 «Уни Никита деб атардилар». Сериал.
21.55 «30-канал» кинооқшоми: «Бен-Гур». Тарихий фильм.
23.30 «Доринома». Сериал.

YAKSHANBA
«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 «Фаройибот».
9.25 «Простоквашинолик учовлон». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
11.50 ТВ-1 кинотеатри: «Рим таътиллари». Бадий фильм.
13.35 «Кўна замин оҳанглари».
13.55, 15.40 ТВ анонс.
14.00 «Долзарб мавзу».
14.20 «Қалб гавҳари».
14.40 «Мўжизалар майдончаси». Телешоу.

4
15.45 «Бири кам дунё». Мухимий номидаги Ўзбек Давлат мусикий театрининг спектакли.
Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси».
17.15 1. «Санъат гунчалари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.15 «Бир жуфт қўшиқ».
18.25 «Туртинчи ҳокимият».
18.45 «Оқ олтин». Телелотерея.
19.15 ТВ клип.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга».
«Якшанба кинозали»:
21.40 «Кино оламида».
22.00 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба:

«Ўзгилгини йўқотиш». Бадий фильм. 2-қисм.
23.15 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» - «Машъал».
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр» Тонгги.
9.00 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у, ким чаққон?»
9.25 «Мульттомоша».
9.40 Футбол плюс.
10.00 «Давр» интервью.
10.15 Мусикий лаҳзалар.
10.25 Очил дастурхон.
10.40 Заковат.
11.35 Аскар мактублари.
11.55 Нокаут.
12.20 «Жавоҳир полициячи». Бадий фильм.
13.50 Қишлоқдаги тенгдошим.
14.10 Кўна оҳанглар.
14.25 «Экспедиция».

Ҳужжатли сериал.
15.15 Чемпион сирлари.
15.35 Очун.
16.00 «Рамаёна». Телесериал.
16.35 Кўрсатувлар дастури.
16.40 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси».
17.00 Болалар клуби.
17.20 Спорт ҳафтаномаси.
17.35 Қўшуқоқ.
17.50 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.20 Муҳаббат қўшиқлари.
19.35 Маслаҳат.
20.25, 21.15, 22.30 Эълонлар
20.30 «Жюли Леско». Бадий фильм. 24-қисм.
21.20 Зинама-зина.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.35 Тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телеканалда премьераси: «Яшашга ҳамма ҳақли». Бадий

фильм.
00.15-00.20 «Хайрли тун!»
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
18.55, 20.10, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
19.15 «Жаҳон географияси».
20.00 «Телефакт».
20.30 «Табриқлаймиз-қутлаймиз».
21.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача (рус)
21.20 «Менинг маҳаллам». Телетанлов.
22.40 Кинонигоҳ «Амазония».
00.05-00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-4да мусиқа».
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».

9.30 «Ҳамма уйдалигида».
10.05 «Кайфият». Информацион-дам олиш дастури.
11.35 Болалар соати: «Қирол ва мен». Мультфильм.
12.50 «Мультсеанс».
13.10 «Экран зийнати ва киймати».
13.35 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
13.45 «Парле ву франсе?» видеоканали: «Дидар», «Айчурек», «Маврид».
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «До-ми-сол» шоу. Болалар учун кўрсатув.
18.05 Жулия Робертс «Ғаним билан ҳамнафас». Бадий фильм.
20.00 «Татьяна Полонская билан бирга».
20.30 «Тенгдошлар».
21.00 «Мюзик-холл».
21.30 «7 кун». Ҳафта якунлари.

21.55 «Олтин микрофон». Мусикий дастур.
22.25 «Кинопрофи».
22.50 Кинематограф. «Қудратли Джо Янг». Бадий фильм.
00.20 «Тахлилнома».
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-КАНАЛ
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 11.30, 17.45, 20.35 Телехамкор.
9.30 «Малика Сиси». Мультсериал.
10.00 Фильм - болаларга.
12.00 Оилавий кино. «Доктор Дулиттл».
13.40 «Баффи». Сериал.
14.30 Кундузги кинозал: «Узуқлар хукмдори».
18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Худо аслаҳалари-2».
19.50 «Ошиқона». Мусикий дастур.
20.00 «Агентлик». Сериал.
21.00 «Уни Никита деб атардилар». Сериал.
21.55 Якшанба кинооқшоми: «Ақлий ўйинлар».
24.00 Спорт шарҳи.

ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР УЧУН

Бозор кўникмаларини ривожлантириш марказида кредит уюшмалари фаолиятига бағишланган бизнес-семинар бўлиб ўтди.

Мазкур семинар Ўзбекистон Республикаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси томонидан Американинг "Интерконцепс инкорпорейтед" компанияси ва "Хамкорлик ва бизнес стратегияси" нотижорат нодавлат ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Семинарда айтилишича жорий йилнинг сентябрь ойи охиригача республикамизнинг барча туман, шаҳар ва вилоятлар палаталарида кредит уюшмалари марказларини очиш режалаштирилмоқда. Ҳар қандай давлат ёки хусусий корхона ушбу кредит уюшмаси аъзоси

бўлиши мумкин. Пойтахтимизда жойлашган ташкилотлар учун аъзолик бадали 20 минг АҚШ долларини, вилоят ташкилотлари учун эса 10 минг долларни ташкил этади.

Осиё тараққиёт банки Ўзбекистонда кредит уюшмаларини ривожлантириш ва молиялаш лойиҳаси бўйича 20 миллион АҚШ доллари ажратди.

Ж. РАУПОВ,
ЎЗА мухбири.

Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига музофиқ шу йил 15 июндан 15 июлгача мамлакатимизда пиёдалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган "Диққат, пиёда!" ойлик тadbирлари ўтказилди.

ТАДБИР САМАРАЛИ ЯКУНЛАНДИ

Фармойиш ижросини таъминлаш учун Ички ишлар вазирлиги томонидан ҳаракат хавфсизлиги ойлиги давомида амалга оширилган ташкилий-тadbирий ишлар режаси тасдиқланди. Шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасининг "Маҳалла" жамғармаси билан ҳамкорликда белгиланган аниқ чора-тadbирлари ишлаб чиқилди.

Мазкур тadbирга жалб этилган ички ишлар идоралари, жумладан, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари идора ва ташкилотлар, мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида, маҳаллаларда кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб борди, суҳбатлар ўтказди. Тadbир давомида 631 минг 706 қоидабузарлик аниқланиб, айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш ишлари қандай ташкил этилганини ўрганиш ҳамда пиёдалар ўртасида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш чоралари самарадорлигини ошириш мақсадида жамоатчилик билан ҳамкорликда тузилган 605 махсус гуруҳ томонидан 1860 рейд ўтказилди. Рейд давомида улар томонидан кўча ва йўллардаги пиёдалар ўтиши учун шароитлар яратилмаганлиги ҳамда пиёдалар ҳаракатини ташкил этишдаги мавжуд камчиликлар юзасидан 1257 далолатнома тузилиб, тегишли идора ва ташкилотларга 391 тақдимнома киритилди.
(ЎЗА).

КАМАЛАК ЖИЛОСИ

"Совпластитал" Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси пластмасса, рангли шиша ва чиннидан халқ истеъмоли моллари ҳамда эсдалик совғалари ишлаб чиқариш борасида етакчи ҳисобланади.

Мазкур қўшма корхона довури республикамиз ташқарисида ҳам кенг тарқалган. Москвада бўлиб ўтган "Шиша олами-2002" халқаро кўргазмада "Совпластитал" қорхонаси рангли шишадан тайёрланган бадий буюмлар учун Россия Меъморлари уюшмасининг дипломи билан тақдирлангани ҳам бунинг ис-

ботидир. Ушбу кўргазмада "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси остида безакли идишлар, гулдонлар, шамдонлар, чинни, биллур, кумуш ва латун кўшилган маҳсулотлар ҳамда кўплаб бошқа буюмлар намойиш этилди.

Валижон НАЗАРОВ
(ЎЗА).



Бу ёруғ дунёга хуш келибсан жажжигинам.
Зиёвуддин ХОЛИҚОВ олган сурат.

ТОВОҚСОЙ «ИСТИҚБОЛ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2002 йил 12 август куни соат 11.00да «Истиқбол» акциядорлик жамияти биносида акциядорларнинг умумий йиғилиши бўлади.

1. Акциядорлик жамиятининг 2001 йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботи.
2. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва аудиторлик хулосани тасдиқлаш ҳақида.
3. Ташкилий масалалар.
4. Ҳар хил масалалар.

Жамият бошқаруви.

Актив	Минг сўм
1. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати	2469
2. Ишлаб чиқариш воситалари	1885
3. Пул маблағлари	485
4. Дебиторлар билан ҳисоб-китоблар	—
Жами:	4841

Пассив	Минг сўм
1. Низом сармояси	2429
2. Заҳира сармояси	2240
3. Тақсимланмаган фойда	120
4. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар	52
Жами:	4841

Баланс маълумотларининг ҳаққонийлигини «Бўстонлик» аудиторлик фирмаси тасдиқлаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ АНГРЕН ПЕДАГОГИКА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

2002-2003 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА: 9-синф ҳажмида.

Ўқиш муддати – 3 йил.

1. Ҳуқуқшунослик
2. Ички ишлар бўлими ходими
3. Бошланғич синфларда жисмоний тарбия ўқитувчиси
4. Мактабгача таълим
5. Бошланғич синфларда таълим-тарбия ишлари ташкилотчиси (қўшимча мутахассислик: меҳнат ўқитувчиси ва тасвирий санъат ўқитувчиси).

11-синф ҳажмида (тўлов контракт асосида)

Ўқиш муддати – 1 йилу 10 ой

1. Ҳуқуқшунослик
2. Бошланғич синфларда ўқитиш
3. Жисмоний тарбия

СИРТКИ БЎЛИМГА: 11-синф ҳажмида (тўлов контракт асосида)

1. Мактабгача тарбия
- Ўқиш муддати – 2 йилу 10 ой
Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

1. Ягона нусхада директор номига ёзилган ариза
 2. Маълумоти ҳақида гувоҳноманинг асл нусхаси, тавсиянома (9-синфлар учун шарт)
 3. 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома
 4. 3x4 ҳажмдаги 6та фотосурат
 5. Меҳнат ва мудофаага тайёргарлик нормативи ёки малака гувоҳномаси (жисмоний тарбия мутахассислиги учун)
 6. Яшаш жойидан маълумотнома
 7. Конверт, скорошиватель (папка)
- Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни шахсан кўрсатишлари шарт:
1. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёки паспорт
 2. Ҳарбий рўйхатда турганлиги ҳақида гувоҳнома
 3. Меҳнат дафтарчасининг корхона раҳбари тасдиқлаган нусхаси

Манзилгоҳимиз: Ангрэн шаҳри, Ўзбекистон мустақиллиги кўчаси, 17-уй.


Телефонлар: 2-52-23, 2-54-40, 2-40-78, 2-31-84.

Билим юртида кириш имтиҳонлари учун тайёрлов курслари мавжуд.

Xalqlar va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
so'nggi
xabarlar



ЭКВАДОРДА САЙЛОВ ТАРАДДУДИ

Эквадор Марказий сайлов комиссияси раиси Карлос Агинага 20 октябрь куни мамлакатда президентлик сайлови бўлиб ўтишини маълум қилди. Унинг таъкидлашича, шу куни парламент ва маҳаллий органлар учун ҳам сайлов ўтказилиши режалаштирилган. Мамлакат раҳбарлигига ўндан ортиқ номзод бор.

ЯНА ОТИШМА ЮЗ БЕРДИ

Яқин Шарқда аҳвол ҳамон мураккаблигича қолмоқда. Куни кеча Габо минтақасида Исроил ҳарбийлари билан Фаластин жангарилари ўртасида отишма юз берди. Натижада икки фаластинлик ҳалок бўлди. Фаластин ахборот манбаларида айтилишича, отишма бўлишидан бир кун олдин Исроил армияси Барака туманини ўққа тутган.

ГУМОН БИЛАН ҲИБСГА ОЛИНДИ

Миср полицияси «Муслмон биродарлар» ташкилоти аъзолари деб гумон қилинаётган 34 шахсни ҳибсга олди. Улар орасида Хелуан университети муҳандислик факультети декани, коллеж ўқитувчиси, адвокат, тadbirkор, шифокорлар бор. Лекин гуруҳнинг асосий қисми талабалардан иборат.

Ташкилот фаолияти бир неча ўн йил аввал тақиқланганига қарамай, мамлакат парламентида унинг аъзоларидан иборат йирик муҳолиф фракция мавжуд.

ДИНИЙ КЕЛИШМОВЧИЛИК ТУФАЙЛИ

Шимолий Ирландияда католик ва протестантлар ўртасида келишмовчилик юзага келди. Натижада Белфастда қуролли тўқнашувлар юз берди. Полициянинг маълум қилишича, қурбонлар ва жабрланганлар бор.

МУЗОКАРА ЯКУНИДАГИ ВАЪДА

Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес Фаластин маъмурияти вакиллари билан учрашди. Музокара якунида Шимон Перес 48 соат ичида фаластинликлар томонидан исроилликларга қарши бирорта ҳам ҳужум содир этилмаси, Исроил Хеврон ва Вифлеем шаҳарларидан қўшинларини олиб чиқиб кетади, деб ваъда берди.

БОШ МИЯДАГИ НОЁБ ТАЖРИБА



Тиббиётнинг энг ёш соҳаси ҳисобланмиш ген инженериясида яна бир ноёб тажриба амалга оширилди. Америкалик олимлар сичқон бош миясини катталаштиришга муваффақ бўлди. Тажриба кейинчалик бош мия билан боғлиқ турли ўзгаришларни тўғридан-тўғри кузатиш имконини бериши мумкин. Бундан ташқари, мутахассисларнинг таъкидлашича, мияни катталаштириш орқали уни муқаммалаштириш мумкин экан.

Биогенетика олимлари инсонни ва унинг ички аъзоларини клонлаш билан чекланиб қолгани йўқ. Инсон танаси қисмларидан нусха кўчирган мутахассислар бош мия борасида ҳам тадқиқот бошлаб юборган эди. Изланишлар илк натижани берди.

ТЕМИРТАН ҲАМШИРА

Тиниб-тинчимаган япон олимлари техника оламида яна бир шов-шув яшашмоқчи. Шу кунларда Сига университети ҳузуридаги касалхонада темиртан ҳамшира иш бошлаб юборди. «Мацусита электрик» корпорацияси мутахассисларининг ижод маҳсули бўлган робот 120 килограмм вазнга эга бўлиб, оддий қутига ўхшайди. Олти гилдирак ёрдамида темиртан ҳамшира касалхона биноси ичида турли маълумотномалар, рентген суратлари, касаллик тарихи ва бошқа материалларни хонама-хона ташиб юрибди. Хуллас, касалхонада танаси қути, боши одамникига ўхшаш беминнат дастёр пайдо бўлди.

Дастёр робот одам тезлигида юради. У сенсорлар ёрдамида касалхона йўлакларидан аниқ ҳаракат қилмоқда. Қувватни батареядан олади. Батарея кучи эса узлуксиз ҳаракат қилганда етти соатга етади.



(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ШИМОЛИЙ КОРЕЯ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР АРАФАСИДА

Бунда ислоҳотларнинг дастлабки белгилари нарх-навода намоён бўлмоқда. Илгари барча маҳсулотлар қарточка тизимида тарқатилар эди. Яъни, аҳоли дўконлардан озиқ-овқат ёки кийим-кечак харид қилмоқчи бўлса, уни махсус талон билан чекланган миқдорда оларди. Энди бу тизим бекор қилинди. Натижада нарх-наво эллик баробаргача ошиб кетди. Шунга биноан маошлар ҳам 15-20 баробар кўтарилди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим жиҳатларидан бири деҳқонлардан сотиб олинган гуруч нархининг 50 баробар оширилганидир. Бундан буён давлат қишлоқ хўжалик кооперативларидан гуруч сотиб олар экан, киросига 36 вон тўлайди.

Июль ойи бошида мамлакатнинг молия соҳасини бошқарувчи мутасаддилар кенгаш ўтказиб, корхоналарни хўжалик ҳисобига ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Ҳадемай бунинг ҳам натижалари кўзга ташланиб қолса, ажаб эмас.

Бозор иқтисодиётига бирданга ўтиш аҳолини ҳар доим саросимага солиб қўйган. Бироқ хабарларга қараганда, маош ошгани ҳам, гуручни имтиёзли нархларда сотиш сиёсатидан воз кечилгани ҳам, жамоат транспорти, коммунал хизматлар нархи бир неча баробар кўтарилгани ҳам аҳолини унчалик ташвишлантираётгани йўқ. Чунки у бошланган ислоҳотлар ҳақида кераклича маълумот олмақда. Партия йиғилишларида ислоҳотларнинг аҳамияти, давлат раҳбарининг сиёсати ҳақида тушунтириш ишлари ўтказилмоқда.

Қарточка тизимининг бекор қилиниши Шимолий Корея халқининг онгида ҳам ўзига хос ўзгаришлар ясаши табиий. Биринчидан, бу тизимнинг бекор қилиниши аҳолини боқимандалик кайфиятидан воз кечишга мажбур қилади. Бундан буён мамлакатда ишламаган тишламай-

ди. Авваллари бунинг ақсини кўриш мумкин эди. Ҳеч қаерда ишламаётган шахс ҳам қарточка тизимидан фойдаланиб, бемалол яшарди.

Қарточка тизими ҳозир ҳам қатор мамлакатларда, жумладан, Куба, Ироқ ва Эронда сақланиб қолган. Масалан, «Озодлик ороли» – Кубада бу тизимга 1959 йилдан буён амал қилинади. Бироқ сўнгги йилларда Куба ҳукумати мамлакат ҳудудида хорижий валюталарнинг эркин ҳаракатига рухсат берди. Аҳоли эса энг зарур маҳсулотларни нафақат қарточка билан, балки бозор ва савдо дўконларидан ҳам эркин нархда сотиб олиши мумкин. Ироқ ва Эронда эса бу тизим аҳолининг кам таъминланган қисми, кўп болали оилалар ва уруш фахрийларига қўлланилади.

Нима бўлганда ҳам, Шимолий Кореяда иқтисодий ислоҳотларнинг бошланишини яхшиликка йўймоқ керак. Чунки, бозор иқтисодиёти бошда аҳолини бироз саросимага солса-да, вақт ўтиб ҳамма нарса ўз ўрнига тушади. Ушундан инсон меҳнати ҳам, маҳсулот ҳам ўзининг ҳақиқий қадрини топади. Мамлакат юксалиш палласига кирди.

Ушбу материал тайёрланаётганда ҳақон ахборот агентликлари КХДРга оид яна бир хабар тарқатди: мамлакат фуқароларига уяли телефон алоқасидан фойдаланишга ҳам рухсат этилибди. Шу пайтгача бундай қулайликдан нафақат шимолий корейликлар, ҳатто хорижликлар ҳам фойдалана олмади. Чунки, бу мамлакатда уяли телефон алоқаси деган тушунчанинг ўзи йўқ эди. Унинг қўшниси – Жанубий Корея эса аҳоли жон бошига уяли телефон алоқасидан фойдаланиш борасида ҳақонда биринчи ўринда туради.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.



Париж.

Турфа олам

Турфа олам

ЯНГИ ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИКЛАР

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси хорижий тиллар кафедрасида яратилган интерактив электрон дарсликлар компьютер орқали масофадан туриб инглиз тилига ўқитиш ва мулоқот олиб бориш имконини беради.

Мазкур тизим ёрдамида ўқувчиларга таълим бериш билан бирга ўзлаштирилган билим ва кўникмалар даражасини белгилаш, рейтинг тизими асосида Интернет ёки маҳаллий тармоқ ёрдамида марказлашган ҳолда назорат ўрнатиш кенг йўлга

қўйилиши мумкин.

Айни вақтда академияда мамлакатимиз коллеж ва лицейлари ўқитувчилари учун электрон дарсликлардан фойдаланиш бўйича малака ошириш курслари ҳам очилган.

Р. ХУДОЙБЕРДИЕВА,
(ЎЗА).

ЕРТАК СЕҲРИ

— Jonvorlarga joy berdik
Uyimizning to'ridan.

Bir keling qo'rqamasangiz
Arslon, Ayiq, Bo'ridan.

So'rar, cholning gapidan
Hayron bo'lgan do'stlari:

— Ular bilan yashashga
Qo'rqmaydimi «o'zlari»?!

— Nega endi qo'rqayin, —
Kular bobom yonimda, —

Sarguzashtli ertaklar

Axir dili-jonimda.

Bobom ertak aytganda,
Yo'lbars bo'lib o'kirar.

Xo'roz bo'lib qichqirib,
Arslondayin bo'kirar.

Ovozini o'xshatar

Goh qutirgan sirtlonga.

Shunda mo'jaz uyimiz

To'lar har xil hayronga...

Asom ZIYOMAT.



ТАНИШУВ. Ҳар сафар фольклор-этнографик дасталарининг чиқишларини кўрганимизда, қалбимиз жумбушга келиб, энтиқиб қоламиз. Уларга кўшилиб, кўшиқларига жўр бўлгимиз, сахнани тўлдириб рақсга тушгимиз келади. Чунки бундай жамоаларнинг ҳар сафарги чиқишларида халқона удумларимиз ўз мужассамини топган, қандайдир дилни қитқловчи, кўнгилга яқин жўшқин туйғулар ўрин олган.

Янгийўл шаҳридаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида фольклор-этнографик жамоаларининг вилоят кўрик-танлови давом этарди. Сахнага Оққўрғон тумани марказий маданият уйининг «Тўрғай» фольклор-этнографик жамоаси ўзининг «Тўш қайтарар» маросимини олиб келганди. Шуни айтиш жоизки, ушбу даста ижросидаги бу маросим шунчалик табиий, шунчалик халқона талқин этилдики, ҳатто энг талабчан хайъат аъзолари ҳам «балли» деб юборишди.

«Тўрғай» дастаси ижро дастуридаги «Тўш қайтарар», «Беш қарсақ», «Йил боши сайиллари» сингари томошаларида халқимиз аъналари, урф-одатларимиз, унутилиб бораётган халқ маросимларини табиий, халқона тарзда кўрсата олишга интилиш жуда ҳам кучли.

ТАВСИЯ. Фольклор-этнографик жамоаларининг VI-аънавий республика кўрик-танловида ўзининг юқори бадий савиядаги томоша дастур-

«ТЎРҒАЙ»НИНГ БАЛАНД ПАРВОЗИ



лари ҳамда юсак ижрочилик маҳоратлари учун Тошкент вилояти Оққўрғон тумани маданият ишлари бўлимининг «Тўрғай» фольклор-этнографик дастаси Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубият маркази, халқаро «Олтин мерос», республика «Маҳалла» ва «Нуроний» хайрия жамғармалари, республика Байналмилал маданият маркази, Қашқадарё вилояти маданият ишлари бошқармаси, Китоб тумани ҳокимлигининг дипломи ҳамда биринчи

ўринга муносиб топилди.

ТААССУРОТ. Ҳар қалай, Алишер Қурбонов Олимкент кўргонидаги қишлоқ клубига ишга келди-ю, Оққўрғон тумани маданият ишлари бўлими мудир Кудрат Мақсудовнинг ороми ҳам,

тинчи ҳам бузилди. Ҳадеганда, «уни олиб беринг, буни олиб беринг, фалончи билан гаплашиб кўрайлик» сингари илтимослар кўпайганда, кўпайиб борарди. Тагинам Кудрат аканинг сабр-бардошига балли, йўқса «Тўрғай» дастаси қаёқда-ю, унинг бугунги кундаги шухрати, баланд парвози қаерда эди?!

Шундай қилиб, 3-ўрта мактаб бадий ҳаваскорлари томонидан ташкил этилиб, кейинроқ тарқоқ ҳолга келиб қолган «Тўрғай» дастаси Махфират Қурбонова, Кудрат Мақсудов, Абдуваҳоб Алишев ва Алишер Қурбоновларнинг

Сарчашмалар

саъй-ҳаракатлари туфайли оёққа туриб олди.

Ўтган беш йил мобайнида фольклор-этнографик жамоаларининг ҳар йили ўтадиган вилоят ва республика кўрик-танловларида «Тўрғай» дастаси биринчи ва иккинчи ўринлар соҳиблигини қўлдан бермай келаётди.

Одатда фольклор дасталари асосан ёши катта кишилардан тузилган бўларди. Бу аънагага зид ўлароқ, «Тўрғай» жамоаси фақат ёш, истеъдодли йигит ва қизлардан ташкил этилган. Ундаги Фарида Абдупаттоева, Сайёра Сайдалиева, Хайдарали Мақсудов, Абдулла Сафаров, Саида Маматқулова, Ойбек Юнусов, Инъомжон Имомов, Али Ўрозов сингари турли касб эгаларининг самарали иштироки фикримизнинг далилидир.

Бугунги кунда «Тўрғай» фольклор-этнографик дастаси айни кучга тўлган, ҳар қандай муаммоларни тез ҳал қила оладиган жамоалардан бирига айланган. Унинг аъзолари янги-янги дастурларни тайёрлаш борасида жўшқин ижод қилмоқдалар. Бу йўлда оққўрғонлик мазкур жамоага омад ёр бўлишига тилакдошмиз.

Шавкат ҚУЛИБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
махсус муҳбири.

Халқ таъбири

АНЖИР

Халқ таъбирида қуритилган анжир барглари ва илдизидан тайёрланган қайнатма меъда-ичак йўлининг иши бузилган маҳалларда ва камқонликда буюрилади, янги мевалари эса жароҳатлари битирадиган восита тариқасида ишлатилади.

Юқори нафас йўлларининг ўткир яллиғланиш касалликларида меваларини сутда қайнатиб ейиш тавсия этилади.

Барглари, ёш шохлари ва етилмаган меваларининг сутсимон ширасидан яралар, жароҳатларга малҳам, буйрақлардан май-

да тош ва қумларни, бадандаги сўғал ва хуснбузарларни йўқотиш воситаси сифатида фойдаланилади. Ангина ва юқори нафас йўлларининг яллиғланиш касалликларида анжир мураббоси чой билан ичилади.

Замонавий таъбиотда анжир юрак-томирлар тизими касалликлари, камқонлик маҳалида ва энгилгина сурги сифатида қўлланилади. Анжир таркибида фицин

деган фермент, талайгина миқдорда қанд моддалари ва калий бўлганлигидан, бу неъмат юрак-томир хасталигига учраган беморлар учун жуда фойдалидир.

Қандли диабет билан оғриган касалларга ва ўткир меъда-ичак касалликлари вақтида анжир ейиш тўғри келмайди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълолар:
133-70-10, 136-53-80.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тоҳрирате компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда да-
дилларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.